ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ

АЛИҚУЛОВ ЗАФАР

# МАВЗУ: ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА МОСЛАШУВ ЙЎЛЛАРИ

**МАГИСТРЛИК ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**ИЛМИЙ РАҲБАР: иқтисод фанлари номзоди, доцент Э.С.Файзиев**

**САМАРҚАНД - 2012 йил**

**МУНДАРИЖА**

Кириш..........................................................................................3

**I.БОБ ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУШУНЧАСИ**..........................................................................................

1.1 Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмаси …...

1.2 Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш

1.3 Ижтимоий нормативларни белгиловчи омиллар

**II. БОБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ҲОЛАТИ**..........................................................................................................

2.1 Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳанинг ҳолати

2.2 Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш

2.3 Ижтимоий инфратузилма объектларини бошқариш муаммолари ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар.

2.4 Мактаб ва Тиббий даволаниш муассасаларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

**III. БОБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ.**

3.1 Самарқанд вилоятида ижтимоий инфратузилма объектларининг турли мулк шаклларини бозор иқтисодиёти шароитига мослашув йўллари.

3.2 Ижтимоий инфратузилма соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш.

**ХУЛОСА.**

# КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва бугунга қадар жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Вилоятимизда ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида биз ушбу мавзуни долзарб масалалардан бири деб қарадик

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Самарқанд вилоятида ижтимоий инфратузилманинҳолати, асосан қишлоқ жойларда ижтимоий

инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти, Самарқанд вилоятида аҳолининг ўқув муассасалари ва тиббий даволаниш масканлари билан таъминланганлик даражаси таҳлили, вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўллари, аҳолининг турмуш даражаси ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Мавзунинг мақсади Самарқанд вилояти миқёсида ижтимоий инфратузилманинг ҳолати, уни самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чикишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган;

- Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳанинг ҳолатини ўрганиш.
- Қишлоқ жойларда ижтимойи инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти
- Самарқанд вилоятида аҳолининг ўқув муассасалари ва тиббий даволаниш масканлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш.
- Ахоли яшаш шароитини яхшилаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.
- ижтимоий инфратузилма объектларининг самарадорлигини оширувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш чора тадбирларини ишлаб чтқишдан иборат

**Тадқиқотнинг объекти.** Самарқанд вилоятида ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасалари(Самарқанд вилоят статистика бошқармаси).

**Тадқиқотнинг предмети.** Самарқанд вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси** сифатида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида илгари сурилган назарий ва концептуал тамойиллар, аҳолини ижтимоий

ҳимоялаш чора-тадбирларида ўзини-ўзи бошқариш органлари ролининг оширилиши тўғрисида Фармон ва фармойишлари, республика, МДҲ ва хориж олимлари ва мутахассисларининг мавзуга доир таълимотлари, назарияларига таянилди.

**Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти.** Ушбу илмий тадқиқот иши Самарқанд вилоятида ижтимоий инфратузилма объектлпрининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ ва таҳлил этишга бағишланган бўлиб, тизим самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштиришнинг илмий, назарий, методологик масалалари атрофлича ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан;

-Ижтимоий инфратузилманинг турли таркибий қисмлари бўйича ўқув қўлланма, маъруза матнлари, услубий тавсияномалар, илмий мақолалар тайёрлашда;

- Диссертацияда ишлаб чиқилган  таклиф ва тавсиялардан муайян ҳудуд инфратузилмаси ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилишда, инфратузилма обектлари имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадкиқот методлари.** Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, нисбий ва ўртача миқдорлар, мутлоқ фарқлаш, балансли боғланиш ва бошқа иқтисодий математик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий негизини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, президент фармони ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, президент асарлари ҳамда махсус иқтисодий адабиётлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг таркиби.** Магистрлик диссертацияси кириш, 3 асосий боб, 6 банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# 1-боб **ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУШУНЧАСИ**

## 1.1 Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмаси

Ижтимоий инфратузилма аҳолининг фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этар экан, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади. Айни вақтда ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиёт реал сектори билан бевосита боғланганки, у мазкур тузилманинг ҳолати ва ўсиш суръатларини шакллантиради.

Ижтимоий турмушга таъсир ўтказувчи инфратузилманинг асосий жиҳатларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш;
- аҳоли меҳнат фаоллиги кўламини кенгайтириш;
- меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
- бўш вақт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;
- иш кучини такрор етиштиришга таъсир этиш.

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан ортда қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлади. Шу боисдан минтақа ижтимоий инфратузилмасининг мажмуа тарзида ривожланишини таъминлаш муҳим ишдир.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Аввалом бор Инфратузилма атамасига таъриф бериб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

***Инфратузилма*** – ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган таркибий қисми. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир. «Инфратузилма» атамаси лотинча «infra» - қуйи, ости; «structura» - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари Ишлаб чиқариш инфратузилмаси атамаси хам мавжуд, бу – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади

XXI асрда коммуникация тизимининг аҳамияти, унинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни барчамизга маълум. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, халқаро майдонда товар ва хизматлар айирбошлаш, турли жабҳалардаги ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бориши бугунги кунда юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришни муҳим стратегик вазифага айлантирди.

Бундан ташқари ижтимоий инфратузилмага оид бир қанча атама ва ибораларга тўхталиб ва таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Булар жумласига қуйидагиларни киритишни лозим топдик:

***Коммуникация*** (лотинча communicatio – алоқа, боғланиш) – хабар бериш ва алоқа, ахборот алмашинув бўйича боғланиш воситалари мажмуи.

***Телекоммуникация*** – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

***Телекоммуникацион инфратузилма*** – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуи.

***Ахборот инфратузилмаси*** – мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар мажмуи.

***Ахборот коммуникация технологиялари*** **-** хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари ҳам) киради.

***Интернет хизматлари*** – интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, муайян масофадан туриб бир вақтнинг ўзидаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва ҳ.к.

Натижада кейинги ўн йилликлар мобайнида компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқалари соҳалари мисли кўрилмаган даражада тараққий этмоқда.

***Ижтимоий инфратузилма*** **–** аҳолининг турмуш фаолиятини, унинг фаровонлиги таъминлашга хизмат қилувчи турли муассаса ва объектлар мажмуи. Масалан, таълим муассасалари, дам олиш ва даволаниш

масканлари, уй-жой, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўловчи транспорти ва бошқалар.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий этириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми 2008 йилга нисбатан 116% га ўсди. Хусусан, мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуриб, ишга туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та хаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди

Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эхтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

***Ижтимоий соҳа*** – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

***Ижтимоий дастурлар*** – аҳолининг бевосита турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни ўз ичига олган режавий ҳужжатлар.

Ижтимоий соҳанинг муҳим, айтиш мумкинки, марказий таркибий қисмларидан бири – бу таълим тизимидир. Таълим тизимининг аҳамиятини мазкур соҳа фаолиятининг узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилаб бериши орқали изоҳлаш мумкин.

## 1.2 Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди.

Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) мақсадли нормативлар.

б) ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;

в) фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;

г) иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Шу тариқа инсоннинг уй-жойга эга бўлиш, соғлиқини сақлаш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиш ва ҳоказо ҳуқуқлари амалга ошади. Мазкур энг кам даража ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига таъминланиши шарт, бу ҳолда улар турмуш жами шароити бўйича барча

ижтимоий гуруҳларни яқинлаштириш ролини ўйнайди. Бу жиҳатдан айрим иқтисодчи олимларнинг уй-жой қурилишини ўтказиш тў\рисидаги фикрларига қўшилиш лозим, бунда давлат тураржой майдони ва ободонлаштириш бўйича белгиланган, ижтимоий кафолотланган меъёр доирасида тураржой биносининг бир қисмини қуриш учунгина маблағ ажратади.

Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб борувчи харакати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялари тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналминаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи  энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамлакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда.

Ҳозирги шароитда илмий  ва тижорат ахборотлар айниқса, қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус “маълумотлар банклари” ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради. Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади.

Халқаро айирбошлаш товарларда материаллашган шакллардан номатериал алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фан-техника

ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, хизматнинг бошқа турлари билан айирбошлаш ўсиб боради.

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг негизини ташкил этади. Халқаро иқтисодий муносабатлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- Товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
- Капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- Ишчи кучининг миграцияси;
- Ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
- Фан ва техника соҳасидагиайирбошлаш;
- Валюта-кредит муносабатлари.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши ва мамлакатлар ихтисослашувининг кучайиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига товар ва хизматларнинг ҳалқаро ҳаракати сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилишининг маълум даражаси билан тавсифланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб, у ўз ифодасини ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади. Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар ҳам тақозо қилади. Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. Эммиграция- бир мамлакатдан бошқа мамлакатдан бошқа мамлакатга доимий яшаш учун чиқиб кетишни, иммиграция –айнан олинган мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

## 1.3 Ижтимоий нормативларни белгиловчи омиллар

Ижтимоий нормативлар тизимини ишлаб чиқишда минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, аҳоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовфутларни ҳисобга олмоқ лозим. Улар доирасида қуйидаги жамлама омилларни ажратиш мумкин:

Жўғрофий омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири, рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти.

Демокрафик омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оилаларнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш шароити, уларнинг тури ва таркиби, миграция туси, миграция оқимлари таркиби, аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элементларни зич ёки тарқоқ яшаш даражаси:

Ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти туси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва маиший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эхтиёжлар туси ва тил тараққиёти.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа аломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича ташкил қилиш; улардан ҳал

этиш заруратига кўра, энг долзарб омилларни ажаратиш мумкин. Иқтисодиётнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув объекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиб олишни шарт қилиб қўяди.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун халқ хўжалиги мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар қўлига топширишни тақозо этади.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш муаммолари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтаришни, айни вақтда молиялаш манбаидан қатъи назар, нивестиция сиёсатини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзалликлари билан бирга қайта кўришни тақозо этади.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Касаначилик фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши, унинг самарали амал қилиши учун мазкур фаолият иқтисодий табиатидан келиб чиқувчи асосий тамойилларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади (1.3.1-расм).

**Касаначилик –** йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

**Кооперация алоқалари** – турли соха ишлаб чиқариш тармоқларида маълум махсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Касаначилик фаолиятидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни, ишчининг уйда ўзи истаган вақтида ишлаши мумкинлиги; ишхонага

бориш-келиш учун кетадиган вақт ва харажатни тежаши; уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши; айни пайтда уй-рўзғор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишнинг мазкур шаклига нисбатан қизиқишни кучайтиради.

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.




**3.1.1-расм.**

Касаначиликнинг аҳоли бандлигини ошириш ҳамда даромадларини кўпайтиришдаги мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2006 йил 5 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги Фармонида касаначилик фаолиятини ташкил этишда қуйидаги имтиёзлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган:

- касаначилик фаолиятини ташкил этувчи корхоналарнинг беш йил муддатга, касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши;

- иш берувчига касаначиларга асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқининг берилиши;

- касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларнинг улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилиши ва ҳ.к.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнати фаолиятини ривожлантириш натижасида 2010 йилда 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

***Бандлик*** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

***Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш*** – давлат томонидан аҳолининг етарли даражадаги ҳаётий фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.

***Аҳолининг реал даромадлари*** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

# II. БОБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ҲОЛАТИ

## 2.1 Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳанинг ҳолати

Самарқанд Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган. У Самарқанд вилояти ҳудудидан иборат бўлиб, майдони 16773 кв. км.ни ташкил қилади. Самарқанд вилояти аҳоли сони 3 миллион 331,1 минг кишини ташктл қилади.

У табиий-географик ўрнига кўра Зарафшон водийсининг ўрта қисмига тўғри келиб, уч томондан Нурота, Туркистон ва Зарафшон тизма тоғлари билан ўралган. Тоғ тизмалари шимолдан эсадиган совуқ ҳаво оқимини бирмунча тўсади. Ёғин кўпроқ (250-800 мм) ёғади.

Иқтисодий-географик ҳудудидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси сувни қор ва музликлардан олади. Шунга кўра, унинг сув сарфи бирмунча барқарор. ГЕСлар бир маромда ишлайди. Зарафшон дарёси суғоришга эҳтиёж катта бўлган ёз ойларида тўлиб оқади. Сувдан янада самарали лойдаланишни кўзлаб, дарёнинг ўрта оқимида Каттақўрғон сув омбори, қуйи оқимида эса Қуйимозор сув омбори барпо элилган. Шу билан бирга Эски Анҳор канали орқали Зарафшон суви (Дарғом каналидан) Қашқадарё вилоятига оқизилмоқда. Хуллас, сувдан хўжаликда тўла фойдаланиш бўйича Ўрта Осиёнинг биронта дарёси Зарафшонга тенглаша олмайди. Унинг 90 фоиз суви суғоришга сарфланади. Иқтисодий географик Вилоятда минерал бойликлар ҳам кўп. Бу ерда нодир металлар (Ингичка, Зармитан кони), бинокорлик материаллари (мармар, оҳак, гранит, мергел, графит), минерал бўёқлар, асбест конлари топилган. Хуллас, вилоятнинг юксалишида табиий ва иқтисодий-географик ўрнидаги қулайликлар қатори табиий шароити ва бойликлари ҳам талай имкониятлар яратади.

Самарқанд иқтисодий географик вилояти ҳудудида аҳоли қадимдан обикор деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Деҳқончилик билан бирга савдо ва ҳунармандчилик ҳам тараққий этган. Темирйўл қурилгач Самарқанд

иқтисодий географик вилоятидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг хўжалик ҳаётида жонланиш туз берди. Эндигина вилоятнинг агросаноат мажмуйи барча иқтисодий географик вилоятларидаги каби юксак даражада ривожланган.

**Вилоятда аҳоли сони ва меҳнат ресурслари (минг киши)** **2.1.1-жадвал**

| № | | Меҳнат ресурслари | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | доимий аҳолининг ўртача сони(минг киши) | | | 2010 йилга нисбатан 2012 йилда фойизда | меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сони, (минг киши) | | | 2010 йилга нисбатан 2012 йилда фойизда | ўртача банд аҳоли сони,(минг киши) | | | 2010 йилга нисбатан2012 йилда фойизда | иш қидирувчи сифатида руйхатга олинганлар, киши | | | 2010 йилга нисбатан 2012 йилда фойизда |
| | | 2010 | 2011 | 2012 1-чорак | | 2010 | 2011 | 2012 1-чорак | | 2010 | 2011 | 2012 1-чорак | | 2010 | 2011 | 2012 1-чорак | |
| | **Жами** | **3140** | **3299** | **3331,1** | **105,1** | **1773** | **1895** | **1926,8** | **106,9** | **1230** | **1270** | **1268,1** | **103,2** | **1024** | **912** | **1872** | **89,1** |
| **1** | Самарқанд ш. | 401,7 | 410 | 501,4 | **102,1** | 327,5 | 349,8 | 357,6 | **106,8** | 258,9 | 230,6 | 264,4 | **89,1** | 171 | 166 | 368 | **97,1** |
| **2** | Каттақўрғон ш. | 78,6 | 80 | 80,7 | **101,8** | 49,4 | 52,8 | 53,5 | **106,9** | 43,1 | 41,6 | 39,1 | **96,5** | 51 | 45 | 51 | **88,2** |
| **3** | Оқдарё | 123,6 | 132 | 135,3 | **106,4** | 77,1 | 82,4 | 81,6 | **106,9** | 44,2 | 48,2 | 45,7 | **109,0** | 97 | 86 | 76 | **88,7** |
| **4** | Булунғур | 151,6 | 156 | 157,8 | **103,0** | 69,7 | 74,5 | 76,1 | **106,9** | 50,9 | 56,8 | 52,4 | **111,6** | 49 | 42 | 67 | **85,7** |
| **5** | Жомбой | 136,5 | 141 | 142,2 | **103,1** | 70,2 | 75,1 | 76,3 | **107,0** | 51,8 | 54,1 | 52,2 | **104,4** | 39 | 30 | 64 | **76,9** |
| **6** | Иштихон | 197 | 212 | 214,8 | **107,8** | 96 | 102,6 | 104,1 | **106,9** | 63,2 | 70 | 66,5 | **110,8** | 29 | 22 | 91 | **75,9** |
| **7** | Каттақўрғон | 222 | 230 | 232,7 | **103,7** | 114,6 | 122,5 | 124,5 | **106,9** | 80,5 | 88,4 | 84,8 | **109,8** | 38 | 31 | 186 | **81,6** |
| **8** | Қўшработ | 104,6 | 108 | 109,5 | **103,5** | 53 | 56,6 | 57,6 | **106,8** | 35,8 | 37,5 | 36,6 | **104,7** | 132 | 120 | 89 | **90,9** |
| **9** | Пайариқ | 204,9 | 212 | 214 | **103,5** | 109,8 | 117,6 | 119,3 | **107,1** | 77,3 | 77,1 | 76,2 | **99,7** | 47 | 40 | 164 | **85,1** |
| **10** | Пастдарғом | 280,6 | 297 | 300 | **105,8** | 146,3 | 155,8 | 159 | **106,5** | 84,7 | 97,5 | 100,5 | **115,1** | 48 | 46 | 79 | **95,8** |
| **11** | Пахтачи | 122,6 | 126 | 126,8 | **102,9** | 70,2 | 75,1 | 76,2 | **107,0** | 54,1 | 52 | 50,6 | **96,1** | 97 | 88 | 59 | **90,7** |
| **12** | Самарқанд | 286,2 | 303 | 214,9 | **105,7** | 154,4 | 165 | 167,8 | **106,9** | 96,2 | 98,1 | 96,1 | **102,0** | 53 | 43 | 109 | **81,1** |
| **13** | Нарпай | 171,7 | 184 | 184,9 | **107,0** | 92,6 | 99,1 | 100,5 | **107,0** | 58,4 | 66,5 | 65,6 | **113,9** | 41 | 34 | 97 | **82,9** |
| **14** | Нуробод | 118,3 | 126 | 127,1 | **106,1** | 59,6 | 63,7 | 65,1 | **106,9** | 48,1 | 47,3 | 44,2 | **98,3** | 49 | 42 | 103 | **85,7** |
| **15** | Тайлоқ | 156,4 | 167 | 168,5 | **106,7** | 84,4 | 90,2 | 91,6 | **106,9** | 54,5 | 60,9 | 57,2 | **111,7** | 35 | 28 | 94 | **80,0** |
| **16** | Ургут | 383,8 | 416 | 420,5 | **108,3** | 198,3 | 211,8 | 216 | **106,8** | 128,2 | 143,2 | 136 | **111,7** | 48 | 49 | 175 | **102,1** |

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Самарқанд вилоятида 2012 йил 1-апрел ҳолатига 3 миллион 331 минг дан ортиқроқ доимий аҳоли истиқомат қилади, 2010 йилда ўртача аҳоли сони 3 миллион 140 минг киши бўлса 2011 йилда 3 миллион 299 минг нафарни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 5,1 фойизга ошган.Энг кўп аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудларга Самарқанд шахри 501,4 минг киши, Ургут туманида 420,5 минг киши, Пастдарғом тумани 300 минг киши истмқомат қилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли вилоятимизда 1-апрел ҳолатига 1 миллион 926 минг 8 юз кишини ташкил қилади, 2010 йилда букўрсаткич 1 миллион 773минг нафарни, 2011 йилда эса 1 миллион 895 минг нафарни ташкил қилган, яъни ўтган йилга нисбатан 6,9 фойиз меҳнатга лаёқатли аҳоли ошган. Бундан кўринадики жами аҳолининг 58 фойизга яқинини меҳнатга лаёқатли аҳоли ташкил қилар экан.

Вилоятимизда иш билан банд аҳоли 2010 йилда 1 миллион 230 мингтани , 2011 йилда 1 миллион 270 мингтани, 2012 йилнинг 1-апрел ҳолатига 1 миллион 268,1 минг нафарни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2011 йилга келиб 3,2 фойизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Вилоятимизнинг жами аҳолисининг 38 фойиз қисми иш билан банд. Жами аҳолининг иш билан банд қисми Самарқанд шахрида энг кўп бўлиб 52,7 фойизни, кейинги ўринларда Каттақўрғон шахри 48,5 фойиз, Самарқанд тумани 44,7 фойизни, жами аҳолининг иш билан энг кам таъминланган туман Иштихон тумани бўлиб 31 фойиз аҳоли иш билан банд.

Самарқанд вилояти бўйича иш қидириб, рўйхатдан ўтганлар 2012 йилнинг 1-апрел ҳолатига 1872 тани ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич 2010 йилда 1024 нафарни, 2011 йилда эса 912 нафар аҳоли иш сўраб мурожаат қилган.

Самарқанд вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача кўрсаткичларни туманлар кесимида ------жадвалдаги маълумотлар асосида келтирамиз.

**2.1.2-жадвал**

## Самарқанд вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача кўрсаткичлар

| | Жон бошига ўртача кўрсаткичлар | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш, сўм | | 2010 йилга нисбатан фойизда | чакана товар айланмаси, сўм | | 2010 йилга нисбатан фойизда | пуллик хизматлар,сўм | | 2010 йилга нисбатан фойизда | шу жумладан, маиший хизмат, сўм | | 2010 йилга нисбатан фойизда |
| | 2010 | 2011 | | 2010 | 2011 | | 2010 | 2011 | | 2010 | 2011 | |
| **Жами** | **372792** | **439037** | **118** | **504193** | **658200** | **131** | **223749** | **269404** | **120** | **21359** | **37119** | **174** |
| Самарқанд ш. | 1927558 | 2276797 | **118** | 1424797 | 1916574 | **135** | 826263 | 861929 | **104** | 102725 | 128172 | **125** |
| Каттақўрғон ш. | 451095 | 580005 | **129** | 1105808 | 1432208 | **130** | 362648 | 552879 | **152** | 21270 | 51489 | **242** |
| Жомбой | 409855 | 524152 | **128** | 338123 | 373406 | **110** | 157268 | 215295 | **137** | 8205 | 21489 | **262** |
| Самарқанд | 230429 | 300116 | **130** | 380701 | 501362 | **132** | 196917 | 224062 | **114** | 18270 | 43870 | **240** |
| Пайариқ | 218259 | 54006 | **25** | 378554 | 485642 | **128** | 91914 | 160570 | **175** | 5020 | 15581 | **310** |
| Нарпай | 218259 | 245788 | **113** | 348947 | 347416 | **100** | 137473 | 218555 | **159** | 8336 | 31323 | **376** |
| Тайлоқ | 170014 | 217761 | **128** | 290991 | 415718 | **143** | 119477 | 185960 | **156** | 9426 | 30190 | **320** |
| Ургут | 159171 | 220968 | **139** | 415473 | 600882 | **145** | 124790 | 121469 | **97** | 11142 | 24626 | **221** |
| Каттақўрғон | 122172 | 122521 | **100** | 244385 | 298926 | **122** | 118109 | 166463 | **141** | 8837 | 17595 | **199** |
| Пахтачи | 93856 | 99813 | **106** | 443024 | 591288 | **133** | 134570 | 233093 | **173** | 7771 | 26550 | **342** |
| Қўшработ | 76163 | 81493 | **107** | 321003 | 382277 | **119** | 94058 | 142905 | **152** | 3889 | 11823 | **304** |
| Пастдарғом | 75367 | 85618 | **114** | 295199 | 421155 | **143** | 111324 | 172250 | **155** | 6973 | 15417 | **221** |
| Оқдарё | 70111 | 78699 | **112** | 433302 | 507740 | **117** | 111274 | 173557 | **156** | 6808 | 17772 | **261** |
| Булунғур | 61050 | 82692 | **135** | 410048 | 518469 | **126** | 172070 | 191585 | **111** | 9577 | 21853 | **228** |
| Иштихон | 40201 | 72279 | **180** | 304171 | 334851 | **110** | 109612 | 155793 | **142** | 6726 | 14728 | **219** |
| Нуробод | 34336 | 37497 | **109** | 239133 | 410986 | **172** | 85420 | 134619 | **158** | 5459 | 23715 | **434** |

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1 кишига 2010 йилда 372792.9 сўмни, 2011 йилда 439037 сўм бўлиб 2010 йилга нисбатан 18 фойиз ошган. 2011 йилда 1 кишига энг кўп истеъмол товарлари ишлаб чиқариш Самарқанд шахрига тўғри келиб, 2 миллион 276 минг 797 сўмни, кейинги ўринларда Каттақўрғон шахар 580 минг 005 сўмни, Жомбой тумани 524 минг 152 сўмни ташкил қилади.Бу борада энг кам кўрсаткич Нуробод туманига тўғри келади, 1 кишига 37497 сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган.

Вилоятимизда чакана товар айланмасини туманлар кесимида оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2010 йилда 504193 сўмни, 2011 йилда 658200 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 31 фойизга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2011 йилда энг кўп чакана товар айланмаси Самарқанд шахрида 1 миллион 916 минг 574 сўмни ташкил қилади, кейинги ўринларда Каттақўрғон шахри 1 миллион 432 минг 208 сўм, Ургут тумани 600 минг 882 сўм.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш вилоят бўйича ўртача бир кишига 2010 йилда 223 минг 749 сўмни, 2011 йилда 269 минг 404 сўм бўлиб 2010 йилга нисбатан 20 фойиз ошган. Энг кўп кўрсаткич Самарқанд шахрига тўғри келиб 861 минг 929 сўмни, кейинги ўринларда Каттақўрғони шахри 552 минг 879 сўмни, Пахтачи тумани 233 минг 093 сўмни ташкил қилади.Шу жумладан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вилоят бўйича ўртача бир кишига 2010 йилда 21359 сўмни, 2011 йилда 37119 сўм бўлиб, 2010 йилга нисбатан 74 фойизга ошган. 2011 йилда энг кўп маиший хизмат кўрсатиш Самарқанд шахрига тўғри келмоқда 128 минг 172 сўмни, кейинги ўринларда Каттақўрғон шахри 51489 сўмни, Самарқанд туманида 43870 сўмни ташкил қилади.

**2.1.3-жадвал**

**Самарқанд вилояти бўйича аҳолининг ўртача ойлик иш хақи тўғрисида маълумот (сўмда)**

| № | Аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумот | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Самарқанд вилояти | Ўртача ойлик иш хақи | | | | | 2008 йилга нисбатан 2012 йилда, фойиз хисобида |
| | | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 1-чорак | |
| | **Жами** | **309650,1** | **470153,8** | **612662,1** | **720848,1** | **527671** | **170** |
| 1 | Самарқанд ш. | 330659,7 | 487480,1 | 623456,1 | 751426,3 | 552804,6 | **167** |
| 2 | Каттақўрғон ш. | 282089,8 | 372105,1 | 430126,7 | 514923,7 | 498632,5 | **177** |
| 3 | Оқдарё | 224485,2 | 346237,1 | 427886,4 | 502239,8 | 412345,4 | **184** |
| 4 | Булунғур | 234819,6 | 335829,3 | 436896,1 | 530333,5 | 453123,7 | **193** |
| 5 | Жомбой | 226598,7 | 361654,3 | 613136,4 | 734169,3 | 538305,1 | **238** |
| 6 | Иштихон | 214772,1 | 357914,3 | 423456,1 | 505932,3 | 419403,7 | **195** |
| 7 | Каттақўрғон | 243021,6 | 352081,9 | 486975,2 | 573028,2 | 431234 | **177** |
| 8 | Қўшробот | 310983,7 | 485659,5 | 614563,1 | 735878,5 | 540714,6 | **174** |
| 9 | Пайариқ | 221266 | 473976,9 | 576314,9 | 671263,1 | 465312,7 | **210** |
| 10 | Пастдарғом | 275504,6 | 356456,7 | 539786,2 | 646295,8 | 547715,9 | **199** |
| 11 | Пахтачи | 242305,7 | 337719,4 | 431563,8 | 515645,4 | 438756,1 | **181** |
| 12 | Самарқанд | 310025,8 | 476651,3 | 615423,1 | 726908,8 | 550652,2 | **178** |
| 13 | Нарпай | 285266,4 | 381937,6 | 449786,3 | 528475,9 | 532742,3 | **187** |
| 14 | Нуробод | 315390,3 | 485321,7 | 625314,8 | 746775,2 | 554638,8 | **176** |
| 15 | Тайлоқ | 255123,5 | 348177,6 | 426789,4 | 502925,6 | 495826,7 | **194** |
| 16 | Ургут | 243351,9 | 477897,7 | 613452,3 | 734547,8 | 551904,3 | **227** |

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Самарқанд вилояти бўйича 2007-2012 йилларда аҳолининг ўртача ойлик иш хақини туманлар кесимида 2.1.3-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.Бунда вилоят бўйича аҳолининг ўртача ойлик иш хақи 2008 йилда 309650.1 сўмни 2009 йилда эса 470153.8 сўмни, 2010 йилда 612662.1 сўмни, 2011 йилда 720848.1 сўмни, 2012 йилнинг 1-апрел ҳолатига аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи 527671 сўмни ташкил қилади яъни 2008 йилга нисбатан 2012 йилда аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи 70 фойизга ошганлиги маълум бўлди. 2008 йилда вилоят бўйича аҳолининг энг кўп ойлик иш ҳақи Самарқанд шахрида 330659 сўмни, кейинги ўринларда Нуробод тумани 315390.3 сўмни, Қўшработ тумани 310983.7 сўмни ташкил қилади.2008 йилда энг кам ўртача ойлик иш ҳақи Иштихон туманига тўғри келиб 214772.1 сўмга етган. 2009 йилда аҳолининг энг кўп ўртача ойлик иш ҳақи Самарқанд шахрида 487480.1 сўмни, кейинги ўринларда Қўшрабод тумани 485659.5 сўмни ташкил қилади. 2010 йилга келиб Нуробод туманида 625314.8 сўмни , кейинги ўринларда Самарқанд шахрида 623456.1 сўмни, Самарқанд туманида 615423.1 сўмга етганлигини кўрамиз. 2011 йилда яна Самарқанд шахри аҳолисининг ўртача ойлик иш ҳақи вилоятда етакчи 751426.3 сўмни, кейинги ўринларда Нуробод тумани 746775.2 сўм, Қўшрабод туман 735878.5 сўмни ташкил қилмоқда.

Самарқанд вилоятида кейинги ўн йил давомида мавжуд нафақадагилар сони ва таркиби ҳам таҳлил этилди, унинг ҳолати тўғрисидаги маълумот 2.1.4-жадвалда келтирилди.

Ушбу жадвалга асосан вилоят бўйича 2011 йилга келиб нафақадагилар сони 4,0 фоиз, жумладан ёшига кўра эса 0,5 фоиз, ногиронлик 9,6 фоиз, боқувчисини йўқотганлик бўйича 0,5 фоиз, ижтимоий нафақа олувчилар 0.4 фоиз, болаликдан ногиронлар 0,5 фоиз, ёлғиз қариялар 32,9 фоиз, ёлғиз ногиронлар 12,7 фоиз кўпайган.

2.1.4-жадвал

Самарқанд вилоятида нафақадагилар сони ва таркиби

(минг киши)

| № | Кўрсаткичлар | 2000 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2011 йил 2006 йилга нисбатан % | 2011 йил 2006 йилга нисбатан фарки (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Нафақадагилар | 274,0 | 300,0 | 300,6 | 301,2 | 302,0 | 305,4 | 312,0 | 104,0 | 12,0 |
| | Жумладан | | | | | | | | | |
| 1 | Ёшига доир | 210,7 | 210,9 | 211,2 | 211,4 | 211,6 | 211,8 | 212,0 | 100,5 | 1,1 |
| 2 | Ногиронлик бўйича | 84,0 | 83,0 | 84,0 | 84,0 | 80,0 | 78,0 | 76,1 | 91,7 | -6,9 |
| 3 | Боқувчисини йўқотганлик бўйича | 23,0 | 23,0 | 23,0 | 23,0 | 23,1 | 23,1 | 23,1 | 100,5 | 0,1 |
| 4 | Ижтимоий нафақа олувчилар | 24,9 | 24,8 | 24,7 | 24,7 | 24,6 | 24,7 | 24,7 | 100,4 | -0,4 |
| | Жумладан | | | | | | | | | |
| 4.1. | Болаликдан ногиронлар | 23,5 | 23,5 | 23,5 | 23,6 | 23,6 | 23,6 | 23,6 | 100,5 | 0,1 |
| 4.2. | Ёлғиз қариялар | 1,412 | 1,364 | 1,345 | 1,205 | 1,115 | 1,103 | 0,915 | 67,1 | -0,4 |
| 4.3. | Ёлғиз ногиронлар | 0,202 | 0,165 | 0,178 | 0,195 | 0,202 | 0,165 | 0,144 | 87,3 | 0,0 |

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги **“Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарори**да кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш

ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробари бўлган миқдорда белгиланади.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилалар улуши йил сайин камайиб бормоқда (2.1.5-жадвал).

**2.1.5-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ҳолати***

| **Кўрсаткичлар** | **Йиллар** | | | | | **2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2007** | **2008** | **2009** | **2010** | **2011** | **+,-** | **фоиз** |
| Моддий ёрдам олувчи оилалар сони, мингта | 221,0 | 214,5 | 208,2 | 202,1 | 165,4 | -55,6 | 74,8 |
| Жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олувчилар улуши, фоизда | 3,3 | 3,2 | 3,1 | 3,0 | 2,4 | -0,9 | - |
| Ойлик моддий ёрдам миқдори, минг сўм | 12,0 | 12,1 | 56,9 | 72,4 | 93,2 | 81,2 | 776,6 |

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.1.5-жадвалда изоҳланганидек, 2007-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича моддий ёрдам олган кам таъминланган оилалар сони 221 мингтадан 165,4 мингтага ёки 25,2 фоизга камайган. Бошқача қилиб айтганда, кўрилаётган даврда жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олган оилалар улуши 3,3 фоиздан 2,4 фоизга камайган. Бу даврда

тайинланган моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 12 минг сўмдан 93,2 минг сўмгача ёки 7,76 марта кўпайган.

Тадқиқотлар ижтимоий хизматларнинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши 2011 йилда 0,5 фоизни ташкил этганлигини, унда банд бўлган аҳоли сони 371,8 минг кишидан иборатлигини кўрсатди. Самарқанд вилоятида 2006 - 2011 йилларда ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг таркиби қуйидаги ҳолатни ўзида ифода этади

2.1.6-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2006 - 2011 йилларда ижтимоий инфратузилма соҳасида банд бўлганларнинг таркиби**

(минг киши)

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
| Соҳада банд бўлганлар сони, минг киши | 325,3 | 334,5 | 343,9 | 353,3 | 362,2 | 371,8 |
| шу жумладан | | | | | | |
| *Маориф* | 179,7 | 182,7 | 185,7 | 188,8 | 191,9 | 195,0 |
| *соғлиқни сақлаш* | 94,6 | 96,7 | 98,9 | 101,1 | 103,3 | 105,5 |
| *Маданият ва спорт* | 11,2 | 12,5 | 13,8 | 15,2 | 16,5 | 17,9 |
| *Фан* | 0,6 | 1,8 | 3,0 | 4,3 | 5,5 | 6,8 |
| *Ижтимоий таъминот* | 1,4 | 1,4 | 1,4 | 1,4 | 0,8 | 0,8 |
| *Коммунал хўжалик* | 37,8 | 39,4 | 41,0 | 42,6 | 44,2 | 45,8 |

Самарқанд вилоятида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида банд бўлганлар сони 2006 йилга нисбатан 2011 йилга келиб 12.5 фоиз, шунингдек, маориф соҳасида 7.8 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳасида 10.3 фоиз, маданият ва спорт соҳасида 37.4 фоиз, фан соҳасида 91.1 фоиз, ижтимоий таьминот соҳасида -75 фоиз, коммунал хўжаликда эса 17.4 фоизга ўсган. Ушбу ўзгариш вилоят ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида ҳам чуқур таркибий силжиш рўй берганлигидан далолат беради.

## 2.2 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Соғлиқни сақлашнинг норматив-ҳуқуқий базаси (1991-2011 йиллар)**

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий ҳизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмокда. Сўнгги йилларда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2007 йил 19 сентябрдаги УПФ – 3923-сонли Фармони,

**Со?ли?ни са?лаш со?асидаги ? онунлар**

3

| | |
|---|---|
| “Фу?аролар со?ли?ини са?лаш тў?рисида” | “Гиё?вандлик воситалари ва психотроп моддалар тў?рисида” |
| “Давлат санитария назорати тў?рисида” | “А?олини сил касаллигидан му?офаза ?илиш тў?рисида” |
| “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тў?рисида” | “?он ва унинг таркибий ?исмлари донорлиги тў?рисида” |
| “Психиатрия ёрдами тў?рисида” | “Бола ?у?у?лари кафолатлари тў?рисида” |
| “Сурункали алкоголизм ёки гиё?вандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тў?рисида” | “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тў?рисида” |
| “Одамнинг иммунитет тан?ислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллиги-нинг) олдини олиш тў?рисида” | “А?оли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тў?рисида” |
| “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тў?рисида” | “Алкоголь ва тамаки ма?сулотларининг тар?атилиши ?амда истеъмол ?илинишини олдини олиш тў?рисида” |

“Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2007 йил 2 октябрдаги УПК – 700-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимининг  ҳудудий ташкилотлари фаолияти ва структурасини ташкил қилишни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18

мартдаги 48-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2009 йил 29 мартдаги 80-сонли буйруғи бунинг ёрқин исботидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2011 йил 26 ноябрда “Ўзбекистонда оналик ва болаликни асрашнинг “Соғлом она – соғлом бола” миллий модели” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг миллий моделини яратишнинг пойдевори бу аввало соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши бўлди.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлиқкни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ушбу тизимнинг долзарб аҳамиятга молик масалаларидан бири бўлиб қолмокда, шу сабабли республикамизнинг энг чекка районларида яна 102 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Юртимизда ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида 14 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг 100 га яқин қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ва қонунлар асосида республикамизда соғлиқни сақлаш, шу жумладан, олий тиббий таълим тизимини такомиллаштириш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

**Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш босқичлари (1990-2011 йиллар):**

1. 1990-1998 йиллар – соғлиқни сақлашнинг миллий моделини ривожлантиришга асосларини шакллантириш босқичи;

**1998-2011 ЙИЛЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ**

1. **Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди.**
2. **Аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли соғлиқни сақлаш тизими ўрнига тиббий ёрдам кўрсатишининг замонавий ва мақбуллаштирилган ташкилий-институционал тузилмаси яратилди.**
3. **Тиббиёт муассасаларининг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражаси сезиларли равишда оширилди.**
4. **Юқори малакали тиббий ходимлар тайёрлашнинг ва уларнинг меҳнатини**

2. 1998-2003 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони – соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича илк Давлат дастурини амалга ошириш босқичи;

3. 2003-2007 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли Фармони - соғлиқни сақлаш тизимида ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини ташкил этиш босқичи;

4. 2007-2011 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли Қарори - соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш босқичи.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

**Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини:**

**АВВАЛГИ ТИЗИМ:**

- Туман марказий шифохонаси
- Туман шифохонаси
- Қишлоқ участка шифохонаси
- Қишлоқ врачлик амбулаторияси
- Фельдшер-акушерлик пункти

**ЯНГИ ТИЗИМ:**

- Туман марказий шифохонаси

- Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестициялари жалб қилинган ҳолда, 1998-2011 йилларда лойиҳалари “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” доирасида юртимиздаги 3192 та ҚВП умумий қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ

> *Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми икки ярим баробар кўпайди.*
>
> **Ислом Каримов**

“Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида 570 та стоматологик асбоб-ускуна ҚВП ва кўп тармоқли поликлиникаларга етказилди. Қишлоқ аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминотини яхшилаш мақсадида 811 та ҚВПда ижтимоий дорихоналар ташкил қилинди, 1056 та ҚВПга GSM стандартидаги стационар телефон ўрнатилди ва ҚВПларининг алоқа тизими билан таъминоти 97,7 фоизга етди.

Манзилли дастурга асосан, 2010 йилда 345 та ҚВП 3,2 миллиард сўм ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланди, 2011 йилда 343 та ҚВП да 4,6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига молиялаштириш механизмини тадбиқ қилиш натижасида ҚВПларини молиялаштириш 3 баробар ошди, натижада 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ҚВПга аҳоли қатнови 1 кишига нисбатан 3,9 дан 4,6 га ошди.

Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етқазиш, уларнинг қонуний хуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий анъана ҳамда қадриятларимизга хурмат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатлар Конституциямизда, қолаверса, “Таълим тўғрисида”ги,“Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда мазкур йўналишда қабул қилинган бир қатор дастурларда ўз ифодасини топган.

2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Интерконтиненталь” мехмонхонасида “Ўзбекистонда болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимини бошкаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди. Мазкур форумни ўтқазишдан кўзланган мақсад – болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бошқарувининг давлат стратегиясини хамда Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш юзасидан давлат, жамоатчилик ҳамда қонун чиқарувчи органларнинг фаолиятини кучайтиришни такомиллаштиришдан иборат. Ўтган давр мобайнида юртимизда болалар ҳаёти ва саломатлигини мухофаза қилиш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Алоҳида эътибор 14 ёшгача бўлган болалар ва фертил ёшдаги аёллар саломатлигига ва уларда касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Мурувват уйлари, маҳсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб, таълим-тарбия, соғломлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан

## ШОШИЛИНЧ ВА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУТАҲКАМЛАШ

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази учун Япония ҳукуматининг 743 миллион йен (7,1 миллион доллар) миқдоридаги гранти ва Испания ҳукуматнинг 9,38 миллион доллар миқдоридаги кредити, вилоят филиаллари учун Ислом тараққиёт банкининг 33,8 миллион доллар миқдоридаги кредити ва туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари учун араб иқтисодий ривожланиш Қувайт фондининг 20,55 мллион доллар миқдоридаги кредити жалб этилди.**

ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўнта етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги ПҚ-1114-сонли қарорига кўра, 2009-2011 йилларда 698 та махсус автотранспорт сотиб олинди ва тизимнинг автотранспорт билан таъминоти 94 фоизга етди. Ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам машиналари 127 та ЭКГ аппарати, 35 та дефибриллятор ва 30 та сўрғич билан қўшимча равишда таъминланди.

2010 йилда мамлакатимизнинг 130 та туманидаги тез тиббий ёрдам бўлими ва шохобчасида 3,1 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. 2011 йилда тез тиббий ёрдам шохобчаларини таъмирлаш бўйича манзилли дастур асосида 1,3 миллиард сўм маблағ режалаштирилди ва 162 та шохобчада таъмирлаш ишлари якунланди.




*2.2.1-расм.*

Юртимизда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази ташкил этилди.

2011 йил давомида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида жами 77945 нафар бемор даволаниб чиқди. Уларнинг 20062 (26,7 фоизи) нафари давлат бюджети ҳисобидан имтиёз асосда даволанган беморлар, 56550 нафари эса (73,3 фоизи) пуллик асосда




***2.2.2-расм. Оналар ўлими кўрсаткичи (ҳар 100 минг онага ўртача).***

даволанган беморлардир. Марказларда жами 22408 та операция ва диагностика муолажаси бажарилди, шундан 10664 таси (46 фоизи) – юқори технологиялар асосидаги муолажалардир. Бажарилган операциялар 2010 йилга нисбатан 1752 тага, юқори технологиялар асосидаги операциялар эса 914 тага ошди.




*2.2.3-расм.* **Гўдаклар ўлими кўрсаткичи**

**(ҳар 1000 нафар тирик туғилган болага ўртача).**



*2.2.4-расм.*

Мамлакатимизда эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қатор йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмади. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди.2010-2011 йилларда Тожикистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, 6 босқичдан иборат полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар даврида 20 миллиондан ортиқ 15 ёшгача бўлган болалар ҳамда Сурхондарё вилоятида 25 ёшгача бўлган шахслар эмлашдан ўтказилди.

Республикадаги 53 та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияларида таъмирлаш ишлари бажарилди. ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика лабораториясида давлат бюджети ҳисобидан 7,5 миллиард сўмлик замонавий лаборатория-диагностика асбоб-ускуналари ўрнатилмоқда.

2010 йилда 1,5 миллиондан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси бўйича текширилди ва бундай тадбирлар 2008 йилга нисбатан 2 марта кўпайди.

Амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши самарали тадбирлар натижасида ўлат, вабо, сариқ иситма, куйдирги, парранда гриппи каби карантин ва ўта ҳавфли юқумли касалликлар, шунингдек, янги А

(H1N1) гриппининг юртимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

### Тиббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Ҳозирги кунда мамлакатимизда салкам 80 минг нафар шифокор ва 310 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатиб, шундан 72 мингдан зиёдини бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган врачлар, 300 мингдан ортиғини эса ўрта тиббиёт ходимлари ташкил этади. Ҳозирги вақтда юртимизда ҳар 10 минг аҳолига 25,7 нафар шифокор ва 106 нафар ўрта тиббиёт ходими тўғри келмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2011 йил 30 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида умумий амалиёт шифокорларини сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида умумий амалиёт шифокорлари соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи кучи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам 1998 йилдан бошлаб умумий амалиёт шифокорлари тайёрланиб келинмоқда. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тиббий хизмат сифати юқори бўлган, молиявий захиралардан омилкорлик билан фойдаланиш имконини берадиган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш тизимига ўтилиши тўғри танланган йўлдир.

Тор мутахассисларга нисбатан мавжуд эҳтиёжни қоплаш мақсадида олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказларда 2005 йилда клиник ординатура орқали 700 нафар тор мутахассис тайёрланган бўлса, бугунги кунда 1300 нафар тор мутахассис тайёрланмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун тайёрланган тор мутахассислар йиллар бўйича умумий ҳолда 57 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда қарийб 85 фоизга етди.

Тошкент тиббиёт академиясининг асосий вазифаларидан бири – мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига юқори малакали умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаб беришдан иборат.

Бу борада амалий кўникмаларни эгаллаш технологиялари такомиллаштирилиб, ўқув жараёнига кенг тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда қатор давлат дастурларини бажариш натижасида 1991 йилдан 2010 йилга қадар оналар ўлими даражаси 2 баробар, болалар ўлими эса 3 баробар камайди. 1991 йилдан буён ўтган даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Президент қарорларини бажариш борасида аниқ режа асосида изчил иш олиб борилмоқда.

Ҳар ойда, тизимли асосда, Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизлар ҳафталиги ўтқазилади, тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан аҳоли 2539 та қишлоқ врачлик пункти орқали ўтқазилади. Ўтган даврда 6856 нафар юқори малакали мутаҳассис томонидан барча вилоятларда маслаҳат бериш ва соғломлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Фертил ёшдаги аёлларнинг 7,8 миллион, 14 ёшгача бўлган болаларнинг 8,3 миллион нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ҳар ойда тиббий кўрикларни республиканинг узоқ қишлоқ врачлик пунктларида ўтқазадилар (Сурхондарё, Хоразм, Фарғона вилоятлари).

**Ўзбекистонда она ва бола саломатлигинимуҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она - соғлом бола» халқаро симпозиуми.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652-сонли қарори билан соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан янгилаш, замонавий тиббий асбоб ускунларни ўрнатиш ва юқори даражали

малакали кадрларни тайёрлаш бўйича бир қанча ишларни амалга ошириш борасидаги вазифалар белгилаб берилди.

2000-2011 йилларда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб этилди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган ҳаражатлар 3,6 баробар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4 фоизни, Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли қарорига асосан, республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари: соғлиқни сақлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш; аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда, тиббий-санитария ёрдами сифати ва қулайлик даражасини ошириш; ихтисослаштирилган марказлар, шу жумладан, онкологик ва сил касалликлари муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш; шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлиги, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш; она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш; соғлиқни сақлашнинг нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлиги, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Баркамол авлод йили” давлат дастурида акс этган мақсад ва вазифалар

замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёд, яъни жисмоний ва маънавий етук авлоднинг шаклланиши, унинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ёш авлоднинг соғлиғи ҳақида доимий ғамхўрлик қилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири жисмоний тарбия ва спортдир. Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Болалар спортини ривожлантириш фондининг тузилиши тўғрисида”ги 3154-сонли Фармони ва 2002 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш фонди фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисида”ги 374-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдига ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга имкон берадиган болалар спорти турларининг асосий йўналишларини ривожлантиришнинг тиббий илмий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соғлом болаларни ривожлантириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар боланинг организмига жисмоний тарбиянинг ҳал қилувчи таъсир кўрсатишидан далолат беради. Инсон организми доимо ҳаракатга биологик эҳтиёж сезади, аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал ривожланишни такомиллаштиришнинг фаол биологик рағбатлантирадиган омиллари бўлади. Ҳаракатларнинг роли организмнинг

кескин ва кучли ўсиш ва ривожланиш даврларида, болалик ва ўсмирлик ёшида айниқса каттадир.

Бола организмининг ўсиш жараёнини пассив кузатиш шунга олиб келадики, ўсмирлик ёшига келиб, таянч харакат тизими ва ички аъзоларида касалликлар пайдо бўлади. Болада психологик ички ноқулайлик кузатилади. Бугунги кунда республикамиз фуқаросининг соғлиғини шакллантириш ва уйғун ривожлантириш жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этилиши мумкин эмас. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш бола ва ўсмирларда ҳаётга ишонч, шодлик ва тетикликни уйғотади, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуси ва Ватанга муҳаббатни тарбиялайди.

## 2.3 Ижтимоий инфратузилма объектларини бошқариш муаммолари ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинар эди. Минтақанинг ижтимоий тараққиёти унинг хўжалик юритиш самарадорлигига бо\лиқ эмас, ҳудудий бошқарув идоралари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашлари аслида марказ, вазирликлар ва идоралар тазйиқи остида эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика, тармоқ ва ҳудудий бошқарув идораларининг вазифаси ҳамда мақсадлари, мулкий ҳуқуқларини чегаралаш;
- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлар ва тавсиялар, меъёрий йўриқномалар базасини тайёрлаш;
- минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга диққат қилиш;
- уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш. Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари қуйидагилардан иборат;

- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш;
- хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;
- минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номутаносибликларга барҳам бериш;
- шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;
- шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демократик сиёсат юритиш.

Мазкур талабларнинг жами минтақа ижтимоий инфратузилмаси хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Хўжалик юритиш янги иқтисодий механизмининг яратилиши маҳаллий бюджетга кўпгина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда корхона ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимликларда қишлоқда ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бошқарув механизмини яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, минтақадаги

районларнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўллаш учун асос бор. Улар қуйидаглардир:

а) маблағлар ва ресурслар ҳокимлик қўлида жамланади;

б) вазифалар агросаноат корхоналари ва ташкилотлар қўлида жамланади;

в) дастлабки икки вариант энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Ижтимоий инфратузилманинг айрим унсурларини ривожлантириш вазифалари алоҳида тақсимланган тақдирдагина манфаатлар уйғунлигига эришиш мумкин.

Ижтимоий инфратузилма соҳасида самарадорликни ошириш узлуксизликни тақозо этадиган жараёндир. Давлат, нодавлат, нотижорат ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектлари кам маблағ сарфлаган ҳолда, рақобатбоб ижтимоий хизмат турини хизматлар бозорига таклиф этишга интиладилар. Шу ўринда пуллик ижтимоий инфратузилма субъекти-тадбиркор бозорда талаби йўқ, керагидан ортиқ ижтимоий хизмат турини кўпайтириш, ходимлар сонини ошириш каби хизмат кўрсатишнинг экстенсив йўлидан чекинади, аксинча бунинг тескари ҳолати ўларок ўзи фаолият юритаётган ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш, илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий дастакларни ва моддий рағбатлантириш такомиллаштириш, ўз фаолиятини оптимал режалаштириш ва башоратлаш, ахборот тизимини ривожлантириш, ҳамда ижтимоий психологик муҳитни яхшилаш каби ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг интенсив йўналишини танлайди. Пировардида тадбиркор учун юқорида таъкид этиб ўтилган ривожланишни интенсив йўналиши ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошишига олиб келиши шарт. Ҳозирги кунда олимлар ижтимоий инфратузилма соҳасида самарадорликни оширишни муҳим омилларини қуйидаги гуруҳларга ажратганлар:

-психологик ва физиологик;

-санитария ва гигиена;

-ижтимоий-психологик ва эстетик;

-иқтисодий ташкилий;

-техник технологик.

Масалага шу нуқти назардан ёндошган ҳолда, ушбу соҳада Самарқанд шаҳрида  хусусий стомотология билан шуғулланадиган пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг анъанавий усулларига тўхталиб, унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларини аниқлашни тадқиқотлар тақазо қилади.

Ҳозирги кунда ижтимоий инфратузилма соҳасининг соғлиқни сақлаш ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишини пуллик ва бепул хизмат кўрсатиш натижасида нодавлат хусусий секторда сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Соғлиқни-сақлаш соҳасининг хусусий стомотология, томография, гнекология, соғломлаштириш, диагностика ва даволаш масканларини бир қисми пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти тармоқларига асосланмоқда. Пуллик стомотологик хизмат кўрсатиш ҳам эркин рақобатда бозорда фаолият кўрсатмоғи лозим. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳолатни тўғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига аҳамият бериш лозим.

Пуллик хизмат кўрсатувчи стомотология соҳаси самарадорлигини ифодалашда, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Стомотология соҳасининг рентабеллиги;
2. Бир стомотология ходими томонидан беморларга кўрсатиладиган ўртача хизмат;
3. Бир беморга кўрсатиладиган пуллик стомотологик хизматга тўғри келадиган ўртача тушум.

Хусусий стомотология хизмат соҳасининг рентабиллигини (Схх) унга сарфланган доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндисидан келиб чиқиб аниқланади. Соҳанинг соф фойдасини (Ф) жами харажатлар суммасига (Хс)га бўлиб 100 га кўпайтириш керак. Яъни:

$$C_{xx} = \frac{\Phi}{X_c} * 100 \qquad (3.1)$$

Ушбу кўраткич мазкур соҳа учун сарфланган 100 сўмлик харажатга қанча фойда олинганлигини кўрсатади.

Бир хусусий стомотологик хизмат кўрсатувчи субъекти томонидан мижозларга кўрсатиладиган ўртача пуллик хизматни ($C_{i.x.\ o`rt}$) аниқлаш учун кўрсатилган хусусий стомотологик хизматни барча мижозлар сони ($M_{x.s.x}$) стомотологик хизматларнинг таҳлил давридаги ўртача сонига ($C_{x.s.o`rt}$) бўлинади.

$$C_{x.к.ўрт} = \frac{M_{x.c.x}}{C_{x.c.ўрт}} \qquad (3.2)$$

Ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида бир хусусий стомотологик хўжалик субъекти ўртача нечта беморга пуллик хизмат кўрсатилганлигини кўрсатади. Бир мижозга хусусий стомоталогия хўжалик юрутувчи томонидан пуллик хизмат кўрсатилганда унга тўғри келадига ўртача тушумни (Сх.т.ўрт) аниқлаш учун барч тушумни (Ти) ҳисобот давридаги хусусий 3кўрсатилга ижтимоий субектларнинг умумий ҳажмига (Сх.у.ҳаж) бўлиш лозим яъни:

$$С_{х.у.ўрт} = \frac{T_и}{C_{х.у.хаж}} \qquad (3.3)$$

Ушбу коэффициент ҳисобот даврида бир мижозга тўғри келадиган тушум миқдорини яъни бир мижозга пуллик хизмат кўрсатилганда қанча даромад келтиришини ифодалайди. Тахлил жараёнида ушбу 3 та кўрсаткични ҳар бирини алоҳида, ўзаро боғлиқ ҳолда, комплекс тарзида ўрганиш зарур. Услубий асос сифатида бир мижозга кўрсатиладиган пуллик бир беморга кўрсатиладига пуллик стомотологик хизмат тўғри келувчи

ўртача тушум кўрсатишининг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омилларни хисоблаш усулларини формулалар асосида тахлил қилишимиз мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича бир мижозга кўрсатиладиган пуллик ижтимоий хизматга тўғри келувчи ўртача тушумнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан улар жумласига бир ойлик пул тушуми ($M_i$); жараён учун белгиланган хизмат вақти ($S_t$); ташкилотда ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ($P_a$); бир соат давомида беморларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ўртача сони ($K_{ўрт}$) пуллик стомотологик хизматлар кўрсатувчи ходимларни бир ойлик ўртача иш куни ($D_{ўрт}$); ходимнинг аниқланган тиш касаллиги бўйича бир кунлик иш вақти ($I_t$) каби ўз таъсирини ўтказади. Бундан ташқари ёрдамчи омиллар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур;

($P_q$)-ходимнинг проффессионал тажрибасига;

(M)-хорижда харид қилинган хом ашё баҳоси;

(I)-инвестиция ҳажмига;

($P_m$)-иш хақининг ошиши;

($S_d$)-мижозларнинг даромади.

Ушбу омиллар орасида боғликликни аниқлаш қуйидаги формулада ўз ифодасини топади.

$$C_{туш} = \frac{T_i}{P_q * M_o * I_T * W_p * R_i * M_i * C_t * P_{ac} * K_{ўрт} * I_t}; \qquad (3.4)$$

Формуладан кўриниб турибдики пуллик стоматологик ижтимоий хизматга тўғри келувчи ўртача тушумни ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар сони 11 тани ташкил қилади. Аммо, ушбу формуладан пуллик стомотологик хизматга тўғри келувчи ўртача тушумни ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаганимизда қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$C_{туш} = \frac{T_i}{M_i * C_t * P_{ac} * K_{ўрт} * I_t}; \qquad (3.5)$$

Мазкур формуладан фойдаланиб натижа ўзгаришига таъсир этувчи 6 та асосий омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули тавсия этилади. Натижа ўзгаришига бўлган омиллар таъсири қуйидагича хисобланади.

1. Натижа кўрсаткичига яъни пуллик стомоталогик хизматига таъсир этувчи барча пул тушумининг ўзгаришининг таъсирини ($\Delta(C_{туш.ўрта.}T_i)$) аниқлашда қуйидаги формула ифодасидан фойдаланилади:

$$\Delta(C_{T.ўрт;}T_i) = \frac{T^x{}_i}{M^p{}_i \cdot C^p{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t} - \frac{T^p{}_i}{M^p{}_i \cdot C^p{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t}; \qquad (3.6)$$

Изох:

р-индекси-режа кўрсаткичи

х-индекси-ҳақиқий миқдор кўрсаткичи

2. Натижа ўзгаришига таъсир этувчи жараён учун белгиланган стомотологик хизмат вақт таъсирини $\Delta(C_{T.ўрт;}M_t)$ аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади.

$$\Delta(C_{T.ўрт;}M_t) = \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i \cdot C^p{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t} - \frac{T^x{}_i}{M^p{}_i \cdot C^p{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t}; \qquad (3.7)$$

3. Натижа кўрсаткичини таъсир этувчи 3чи омил пуллик стомоталогик ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотдаги ходимлар сони ўзгаришининг таъсирини $\Delta(C_{T.ўрт;}C_t)$ аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия этиш мумкин.

$$\Delta(C_{T.ўрт;}C_t) = \frac{T^x{}_i}{M^p{}_i \cdot C^x{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t} - \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i \cdot C^p{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t}; \qquad (3.8)$$

4.Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи бир соат давомида стомотологик хизмат кўрсатадиган Смижозларнинг ўртача сонини ўзгаришини таъсирини $\Delta(C_{T.ўрт;}P_{ac})$ аниқлаш учун қуйидаги пформула қўлланилади:

$$\Delta(C_{T.ўрт;}P_{ac}) = \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i \cdot C^x{}_t \cdot P^x{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t} - \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i \cdot C^x{}_t \cdot P^p{}_{ac} \cdot K^p{}_{ўрт} \cdot I^p{}_t}; \qquad (3.9)$$

5.Хусусий стомотологик хизмат самарадорлигига таъсир этувчи пуллик стомотологик хизмат кўрсатадига ўртача иш кунини таъсирини $\Delta(C_{T.ўрт;}K_{ўрт})$ аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta(C_{T.ўрт;}K_{ўрт}) = \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i * C^x{}_t * P^x{}_{ac} * K^x{}_{ўрт} * I^p{}_t} * \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i * C^x{}_t * P^x{}_{ac} * K^p{}_{ўрт} * I^p{}_t}; \quad (3.10)$$

6. Натижа ўзгаришига таъсир этувчи пуллик стомотологик хизмат кўрсатувчи ходимнинг бир кунлик умумий иш вақти таъсирини $\Delta(C_{T.ўрт;}I_t)$ аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta(C_{T.ўрт;}I_t) = \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i * C^x{}_t * P^x{}_{ac} * K^x{}_{ўрт} * I^x{}_t} * \frac{T^x{}_i}{M^x{}_i * C^x{}_t * P^x{}_{ac} * K^x{}_{ўрт} * I^p{}_t}; \quad (3.11)$$

Натижада, барча омиллар таъсири пуллик стомотологик хизмат самарадорлигининг умумий фарқига $(\Delta C_{T.ўрт;})$ тенг бўлиши лозим.
Яъни:

$\Delta C_{туш.ўрта.}= \Delta(C_{туш.ўрта.}T_i) \pm \Delta(C_{T.ўрт;}M_t) \pm \Delta(C_{T.ўрт;}C_t) \pm \Delta(C_{T.ўрт;}P_{ac}) \pm \Delta(C_{T.ўрт;}K_{ўрт}) \pm \Delta(C_{T.ўрт;}I_t)$;

Юқорида кўрсатиб ўтилган формулаларда назарий тафсиялар ўз ифодасини топган бўлиб уларда амалий маълумотларни қўллаш йўли билан натижа ўзгаришида тегишли омиллар таъсири ва мавжуд ички имконияларини аниқлаб, улардан рационал фойдаланишга доир пуллик ижтимоий хизматнинг стомотология хизмат турида хўжалик юритувчи субектларнинг бошқарув қарорини қабул қилишда тадбиқ қилиш мумкин. Тадққиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, омиллар таъсири натижага боғлиқлиги учун уларни аниқлаш мақсадида иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усулларидан фойдаланиш. Ушбу усуллар орқали ўрганилаётган натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда ички имкониятлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади. Бу ҳолат Ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга чунки бозор муносабатлари шароитида барча ресурс ва маблағлар мукдорга тегишли бўлиб, уларни смарали фойдаланишда нафақат мулкдор балки

давлат ва жамият ҳам манфаатдордир. Шу мақсадда тадқиқотимиз орқали Самарқанд шаҳрида пуллик хизмат кўрсатувчи хусусий стомотологиянинг ҳолатини ўргандик.

2.3.1-жадвал

Самарқанд шаҳрида пуллик хизмат кўрсатувчи хусусий стомотологиянинг самарадорлигини аниқлаш

(бир ой давомидаги оддий профилактик хусусий стомотология хизмати кўрсатиш мисолида)[1]

| № | Кўрсаткичлар | 1-хусусий стомотология | 2-хусусий стомотология | 3-хусусий стомотология |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Стомотолог ходимларининг умумий сони | 5 та | 7 та | 3 та |
| 2 | Бир сутка давомидаги стомотолог хизматига бўлган талаб | 15 та | 39 та | 10 та |
| 3 | Стомотолог ходимларнинг ўртача бир ойлик иш куни, кун | 26 | 26 | 26 |
| 4 | Стомотология ходимларини навбатчилик вақти | $8^{00}$-$8^{00}$ | $8^{00}$-$8^{00}$ | $8^{00}$-$8^{00}$ |
| 5 | Оддий профилактик хусусий стомотология хизматини кўрсатишда бир пациент учун белгиланган умумий харажат миқдори сўмда | 4200 сўм | 3050 сўм | 4200 сўм |
| 6 | Бир ой давомидаги пациентларга кўрсатилган оддий профилактик пуллик стомотологик хизмат миқдори (киши хисобига) | 390 | 1014 | 260 |
| 7 | Бир ойлик пул тушуми (минг сўмда) | 1.833.000 | 4.563.000 | 1.170.000 |
| 8 | Хусусий стомотология хизматининг бир ойлик умумий харажати | 1.638.000 | 3.092.700 | 1.092.000 |
| 9 | Хусусий стомотология хизматининг бир ойлик самарадорлиги, сўм ($9_к/10_к$) | 1119 | 1475 | 1071 |

[1] Тадқиқ қилинган пуллик хизмат кўрсатиш хусусий стомотология субектлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотлари пуллик хизмат кўрсатиш хусусий стомотология хизматининг самарадорлиги биринчи, иккинчи, учунчи фирмаларда турлича эканлигини кўрсатиб турибди. Самарадорлик Йбиринчи стомотологияда 1119 сўмга, иккинчи стомотологияда 1475 сўмга, учунчи стомотологияда 1071 сўмга тенг. Яъни биринчи стомотологияга нисбатан иккинчи стомотологиянинг самарадорлиги 1,3 марта юқори, учунчи стомотологияга нисбатан ҳам 1,4 марта кўпдир. Мавжуд тавофудларни тахлил қининганда қуйидаги натижага эга бўлишимиз мумкин.

Жадвалда ифода этилган маълумотлар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиб биринчи хусусий стомотология хизмат кўрсатиш хўжалик юрутувчи субектида самарадорлик натижаси  иккинчисига нисбатан пастдир яъни иккинчи хўжалик юрутувчи субъектда самарадорлик кўрсаткичи юқоридир. Бунинг тескариси учунчи хусусий стомотологик хизмат кўрсатиш хўжалик юрутувчи субектида самарадорлик кўрсаткичи қолганларига нисбатан энг қуйи натижани ташкил этади. Аммо клиникага мурожат этган пацентлар сонига кўра бир ойда иккинчи стомотологик хизмат кўрсатиш субектига нисбатан 2,6 баробар кўп, учунчи стомотологик хизмат кўрсатувчи субектига нисбатан 3,9 баробар кўпдир. Шунингдек хусусий стомотологик хизмат кўрсатиш клиникаларида бир пациентга кўрсатиладиган пуллик стомотологик хизматнинг фоддий профилактик даволаш турига нисбатан белгиланган нарх ҳам хар-ҳил бўлиб бирнчи хусусий стомотологияда 4700 сўмни, иккинчи ва учунчи ҳтстомотологияларда эса 4500 сўмни ташкил этади. Ушбу ҳодиса пуллик хизмат кўрсатишнинг хусусий стомотология фаолият турида бизнес ва роқабат муҳитининг мавжудлигидан далолат беради ҳамда бир қатор омилларнинг таъсирида шакилланганлигидан далолат беради. Аммо жараёнда иштирок этаётган ушбу таъкид этган омиллар ижтимоий хизмат корсатишнинг пуллик стомотологик хизмат кўрсатиш самарадорлигига позитив ёки негатив даражада таъсир этади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқган ҳолда натижа кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида кўрсатиб ўтилган маълумотларни қўллаймиз.

2.3.2-жадвал.

Пуллик хизмат тури хусусий стомотологик клиника самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг қиёсий тахлили.

| | Т.р | Кўрсаткичлар | 1-чи клиника | 2-чи клиника | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Мутлоқ миқдор | Нисбий миқдор, % |
| 1. | | Бир ойлик пул тушуми (минг сўм) | 1.833.000 | 4.563.000 | +2489 | 40.1 |
| 2. | | Бир иш кунидаги пацеинтлар талаби | 15 | 39 | +2.6 | 38.4 |
| 3. | | Бир ой давомидаги иш куни | 26 | 26 | +1 | 100 |
| 4. | | Бир клиника томонидан поциентларга кўрсатиладиган пуллик стомотологик хизматни оддий профилактик турини умумий харажати. | 4200 | 3050 | +0.72 | 137 |
| 5. | | Бир ойлик умумий харажат | 1.638.000 | 3.092.700 | +188.8 | 52.9 |
| 6. | | Стомотологик самарадорлик 1қ:(2қ*3қ*4қ*5қ) | 1119 | 1475 | 1.3 | 24.2 |

Ушбу жадвалда биринчи стомотологик клиникасининг бир ойлик самарадорлиги 1119 сўмни ташкил қилди: $\frac{1833000}{(15*26*4200)} = 1119$ шунга ўхшаш равишда иккинчи стомотологик клиниканинг бир ойлик самарадорлиги кўрсатикичи қуйидагича аниқланди: $\frac{4563000}{(39*26*3050)} = 1475$ сўмни ташкил этади.

Тахлилларимиз пуллик хизмат тури хусусий стомотологик хизмат турнинг самарадорлигига тўрт хил омил таъсир қилишини кўрсатди. Юқорида таъкид этганимидек усбу омилларни занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш мумкин.

1. Самарадорлик бўйича иккинчи пуллик хизмат кўрсатувчи хусусий стомотология клиникасида биринчи пуллик хизмат кўрсатувчи

хусусий стомотология клиникасига нисбатан бир ойлик пул тушуми 884 сўмга ошган:

$$\frac{4563000}{39*26*3050}-\frac{1833000}{39*26*3050} = 1475\text{-}591= 884 \text{ сўм}$$

2. Самарадорлик ўзгаришига ўртача хусусий стомотологик хизматга бўлган пациентлар талабининг таъсири ҳам иккинчи стомотологик клиникадан самарадорлиги 2361 сўмга кўпайган.

$$\frac{4563000}{15*26*3050}-\frac{4563000}{39*26*3050} = 3836\text{-}1475=2361 \text{ сўм}$$

3. Бир клиника томонидан пациентларга кўрсатиладиган пуллик стомотологик хизматни оддий профилактик турини умумий харажатидаги фарқ ҳам самарадорликнинг ўзгаришига таъсир қилади. Ушбу таъсир миқдори 1310 сўмга тенг яъни биринчи стомотология клиникасида самарадорлик иккинчи стомотология клиникасига нисбатан кам миқдорни ташкил этади.

$$\frac{4563000}{15*26*4200}-\frac{4563000}{39*26*3050} = 2785\text{-}1475=1310 \text{ сўм}$$

## 2.4 Тиббиёт муассасаларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсуниш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергонадзор), прократура шунингдек касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси буйича комиссия ташкил килинади. Комиссия мехнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чикариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва мехнат мухофазасига оид булган кўрикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблагларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тўғри ҳисобга олинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини ўрганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик, сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси буйича жамоат инспектор хўжаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, ҳимояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, ҳимояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшмаси қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат конунчилиги буйича ишларни касаба уюшмасига қарашли корхоналарда назорат килади. Бундан ташқари қурилган корхона ва

хоналар унинг  ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, мактаб ва тиббиёт муссаларида кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнгин халқ  хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса қишлоқ хўжалигида ёнғинга қарши чора-тадбирлар жуда ҳам кучайтирилган, чунки қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар тез ёнувчан хусусиятига эга, бунга пахтани яққол мисол қилиб олиш мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқиёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга карши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши оқибатида катта миқдорда иссиқдик ва нурланиш ажралиши билан кечадиган ҳолатга *ёниш* деб тушунилади.Ёнғинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи муҳит, қиздириш жараёни сабаб булади.

Корхонани лойихалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш коидасининг бузилиши агросервис корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йул қуйилиши билан боғлиқ. Агросервис корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қуйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошка ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Тиббиёт муассасаларида  ёнғин, портлаш билан боғлиқ авария 20% ни ташкил этади. Корхоналарда ёнғинсиз портлаш содир бўлиши ноорганик моддалар иштирокида 15%ни, ёнувчи газлар билан 15% ни, карбонводородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 32,5 %, бошка модда-лар иштирокида 7,5% ни ташкил этади. Шу жумладан портлаш ёнғин билан булиши ноорганик моддалар иштирокида — 5%, ёнувчи газлар билан — 5%, ёнувчи суюқликлар билан —7,5%, карбон водородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 12,5% ни ташкил этади. Ёнувчи суюқликлар буғларининг портлаши иккиламчи ёнғинга олиб келади.

Корхоналарда ёнғин, портлаш хавфлилиги қайта ишланадиган моддалар миқдори, физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларига, ускуна ва жихозлар иш режимига, аланга маибаи борлиги ва ўтнинг тез тарқалашига боғлиқ.

Тиббиёт муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;

2) ускуна-мосламаларни тўсиқлнган холатда жойлаштириш;

3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг микдорини камайтириш;

4) ускуна, газ қувурларида, хаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси хосил булишига йўл қуймаслик;

5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;

6) енгил алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;

7) белгиланган хизмат кўрсатиш режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;

8)хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо булишига йўл қўймаслик;

9)ёнгин ва портлашнинг таркалишига йул куймаслик;

10) қурик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим аниқ, тадбирлар ишлаб чиқилади.

